



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 166-сонли қарори хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 февралдаги ПФ-4954-сон Фармониға мувофиқ, шунингдек йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 166-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарори билан:

а) Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясининг тузилмаси 1-иловаға мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси тўғрисидаги Низом 2-иловаға мувофиқ тасдиқланганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгиланганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68-уй манзилиға жойлаштирилганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғиға Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини зарур алоқа воситалари, шу жумладан Ҳукумат алоқаси билан таъминлашда белгиланган тартибда кўмаклашиши топширилганлиги;

д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси уч ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва кўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасиға таклифлар киритиши; ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорға мувофиқлаштириши топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Нагметовға Қарақалпоғистон Республикаси Давархитектурулиш кўмитаси, Давархитектурулиш назорати инспекцияси, «Қарақалпоқавтйўл» ҲЙФТ билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясининг тузилмасиға мувофиқ Қарақалпоғистон Республикасиға бириктирилган 2 нафар давлат инспекторларининг жойлашиши юзасидан ташкилий чоралар кўришни таъминласин.

4. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорға мувофиқлаштирасин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари С.Нагметов зиммасиға юклансин.

Қарақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Қ.Сариев